

АБУЛҚОСИМОВ Ҳасан Пирназарович,
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий
университети «Иқтисодиёт назарияси»
кафедраси профессори, иқтисод фанлари
доктори;

САИДАХМЕДОВА Нодира Илхамовна,
Жиззах политехника институти декани,
иқтисод фанлари номзоди, доцент

ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

УДК 330.4
ББК 65.30, 65.32

АБУЛҚОСИМОВ Ҳ.П., САИДАХМЕДОВА Н.И. ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Мақолада озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг аҳамияти ва бу борада Ўзбекистонда амалга оширилган чора-тадбирлар таҳлил қилиниб, уни янада яхшилаш йўналишлари ёритилган.

Таянч иборалар: хавфсизлик, озиқ-овқат хавфсизлиги, қишлоқ хўжалиги, қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотлари, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш.

АБУЛКАСИМОВ Х.П., САИДАХМЕДОВА Н.И. НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ПРОДОВОЛЬСТВЕННОЙ БЕЗОПАСНОСТИ

В статье проанализированы роль обеспечения продовольственной безопасности и меры по её осуществлению в Узбекистане, освещены также основные направления дальнейшего улучшения обеспечения продовольственной безопасности.

Ключевые слова: безопасность, продовольственная безопасность, сельское хозяйство, сельскохозяйственная продовольственная продукция, обеспечение продовольственной безопасности.

ABULKASIMOV KH.P., SAIDAHMEDOVA N.I. SOME ISSUES OF MAINTENANCE OF FOOD SAFETY

In the article the values of maintenance of food safety and a measure on its realization in Uzbekistan, and the basic directions of the further improvement of maintenance of food safety are analyzed.

Keywords: safety, food safety, agriculture, rural economic food production, maintenance of food safety.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масаласи барча мамлакатларда муҳим аҳамият касб этади. Бунга жаҳоннинг 54 мамлакатида оилалар моддий аҳволи даражасининг пасайиши кузатилгани, 20 дан зиёд давлат аҳолисининг асосий қисми очликдан қийналаётгани, 12 та мамлакатда аҳолининг ўртача умр кўриши қисқаргани, сўнгги йилларда дунё аҳолисининг 840 миллиондан ортиғи очликдан азият чекаётганлиги бунинг яққол далилидир¹. Шунинг учун ҳам бутун дунёда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалаларига жуда катта аҳамият берилади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти томонидан таъкидланишича, «Озиқ-овқат хавфсизлигига эришиш, бу барча инсонларнинг хоҳлаган вақтда жисмоний, ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан етарли миқдорда хавфсиз озиқавий маҳсулотлар билан таъминланишини англатади. Ушбу маҳсулотлар шахсни физиологик меъёрлар бўйича қониқтириши, унинг хоҳиш-истагига мос келиши ва фаол соғлом турмуш тарзини шакллантириши шарт»¹.

Озиқ-овқат хавфсизлиги мамлакат аҳолисини асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан ўзини ўзи, мустақил таъминлашга қодирлигини ифодалайди. Шунингдек, озиқ-овқат импортига ўта боғлиқликдан халос бўлганлигини англатади. Таъкидлаш жоизки, озиқ-овқат хавфсизлиги фақат ички ўзини ўзи тўлиқ озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш билан чекланмайди. Бунинг учун озиқ-овқат импорти ҳам эътиборга олинади.

Давлатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги сиёсатида, асосан, ўзининг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва ички сотиш бозорларини ривожлантиришга, қисман, чет эллардан озиқ-овқат маҳсулотларини импорт қилиш асосида аҳолининг озиқ-овқатга бўлган мақбул даражадаги эҳтиёжини қондириш кўзда тутилади. Давлатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъ-

минлаш сиёсати ўзини ўзи озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ҳамда уларни импорт қилиш даражаларини оқилона уйғунлаштириш, мамлакат аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашнинг кафолатланган имкониятларини яратиш, бу борада халқаро ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишга қодирлиги муҳим ҳисобланади. Бундан ташқари, ушбу сиёсат даврий равишда янгиланиб турадиган озиқ-овқат захирасини яратишга ҳам қаратилган бўлади².

Озиқ-овқат хавфсизлиги озиқ-овқат билан жисмоний ва иқтисодий жиҳатдан таъминганликни ҳамда овқатланиш хавфсизлигини ўз ичига олади (1-жадвал).

Жадвалдан кўриниб турибдики, озиқ-овқат билан жисмонан таъминланганлик озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмларини миқдоран кўпайтиришни ифодалайди. Озиқ-овқат билан иқтисодий жиҳатдан таъминганлик аҳоли даромадларини ўстириш, инфляция даражасини мақбул даражада ушлаб туриш орқали аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш қобилиятини ўстиришни ифодалайди. Хавфсиз овқатланиш эса аҳолининг соғлом овқатланиш сифатини ошириш компонентларини ифодалайди.

Таъкидлаш керакки, ҳар бир одам учун озиқ-овқат хавфсизлиги инновациялар орқали чиқиндиларни камайтиришни, овқатлар ва овқатланиш сифатини оширишни, инсоннинг ҳаддан ортиқча овқатланишдан сақланишни, овқатлардаги макро ва микро

¹ Жонихонов М., Раҳмонов С. Озиқ-овқат дастури: мамлакат тараққиёти, иқтисодиёт барқарорлиги ва фаровонликнинг мустаҳкам асоси. // «Халқ сўзи» газетаси, 2014 йил 7 июнь.

² Абулқосимов Ҳ.П. Давлатнинг иқтисодий хавфсизлиги. Уқув қўлланма. – Т.: «Академия», 2012. –162-б.

1-жадвал. Озиқ-овқат хавфсизлигининг таркибий қисмлари¹

Озиқ-овқат билан жисмоний таъминланиш	Озиқ-овқат билан иқтисодий таъминланиш	Хавфсиз овқатланиш
Қишлоқ хўжалиги ва қайта ишлаш саноатининг самарали фаолият юритиши	Аҳоли даромадларининг барқарор даражасини қўллаб-қувватлаш	Маҳсулот ва хом ашё сифатини назорат қилиш
Озиқ-овқат маҳсулотлари ва хомашё бозорларининг ривожланиши	Мамлакатда иқтисодий барқарорликни таъминлаш	Сифатни бошқариш тизимини яратиш ва сертификациялаш
Савдо тармоқларининг ривожланиши	Нарх даражасини тартибга солиш	Аҳоли саломатлигини яхшилаш
Янги иш ўринларининг яратилиши	Ер участкаларини хавфсиз олиш учун шароит яратиш	Соғлом турмуш тарзини шакллантириш
Аҳолининг иш билан бандлигини қўллаб-қувватлаш	Бюджет тўловларининг ўсиши	

2-жадвал. Ўзбекистон Республикасида айрим қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўрсаткичлари (минг тонна)²

Маҳсулотлар тури	1991 й.	1995 й.	2000 й.	2010 й.	2015 й.	2015 йилда 1991 йилга нисбатан % да
Дон	1908	3215,3	3915	7391,0	7500,1	393,1
Мевалар	516,6	602,3	801,0	1710,3	2731,0	528,6
Узум	480,5	620,9	573,0	997,5	1556,0	323,8
Сабзавотлар	3324,1	2712,6	2643,1	6346,4	9923,0	298,5
Картошка	355,7	439,9	730,7	1692,9	2670,0	705,0
Полиз	925,8	471,9	359,1	1182,4	1850,0	199,8

элементларнинг етарли бўлишини, энергия ва калориянинг балансини ўз ичига олади. Озиқ-овқат турлари ва овқатланиш хусусиятларига аҳолининг дини, урф-одатлари, шунингдек, реклама ва психологик ҳолати таъсир кўрсатади.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий барқарорликни таъминлашнинг гарови ҳисобланади. Собиқ Иттифоқ таназулга учраган давр, яъни 1989 йилда ўтказилган статистик тадқиқотлар маълумотларига кўра, истеъмол бозорида аҳоли учун зарур бўлган барча маҳсулотларнинг қарийб 95 фоизи бўйича узилишлар бўлиб турган ва бу собиқ

Иттифоқ ҳудудида кундалик асосий озиқ-овқат маҳсулотларини аҳолига карточкалар орқали сотиш тизимини жорий этишга сабаб бўлган эди. 1989 йилда Ўзбекистон статистика органлари томонидан юртимиз аҳолиси ўртасида ўтказилган расмий сўровларда қатнашганларнинг 89,3 фоизи гўшт маҳсулотларини етарли даражада истеъмол қилмаётганини айтган. Бу кўрсаткичлар сут маҳсулотлари бўйича 56,5 фоизни, шакар бўйича 55,3 фоизни, қандолат маҳсулотлари бўйича 49,5 фоизни, картошка бўйича эса 17,5 фоизни ташкил этган³.

Ушбу рақамлар мустақиллик остонасида республикамизда озиқ-овқат хавфсизлигига кучли таҳдидлар мавжуд бўлганлигини, республика озиқ-овқат хавфсизлигини таъмин-

¹ Фуломов С.С. «Инновация ва озиқ-овқат хавфсизлиги» мавзусида 2014 йил 24 апрелда қилинган маъруза.

² Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами. - Т., 2013. -227-б; Ўзбекистон ҳудудларининг йиллик статистик тўплами. - Т., 2014. -87-88-б.; Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

³ Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўлам. – Т.: «Ўзбекистон», 2011. -85-86-б.

3-жадвал. Ўзбекистон Республикасида чорва моллари ва паррандалар сонининг ўсиши динамикаси¹ (йил бошида, минг бош)

Чорва моллари турлари	2005 й.	2015 й.	2015 йилда 2005 йилга нисбатан %
Қорамоллар	6571	11635	177,06
Шу жумладан, сигирлар	2821,3	4020,6	142,5
Қўй ва эчкилар	11351,9	18906	157,7
Парранда	20540,4	60800	296,0

лашга ўзи қодир бўлмай қолганлигини кўрсатади. Шунинг учун ҳам мустақиллик қўлга киритилганидан сўнг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ҳаёт-мамонт масаласига айланди.

Ўзбекистонда аҳолини энг муҳим қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш асосида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун саъй-ҳаракатлар Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Абдуғаниевич Каримов ташаббуси билан мустақилликка эришишдан олдин бошланди. 1989 йил 17 августда И.А.Каримов бошчилигида республика ҳукуматининг йиғилишида «Қишлоқда яшовчи ҳар бир оилани томорқа билан таъминлаш, уларга яқка тартибда уй-жой қуриш учун барча шарт-шароитларни яратиб бериш ҳақида» қарор қабул қилинади. Қишлоқда яшовчи ҳар бир кишига ўртача 25 сотихдан ер ажратиб бериш ва томорқа майдонларини қарийб 4,5 баробар кўпайтириш кўзда тутилган эди. Ушбу қарорнинг ижро этилиши натижасида 1989-1990 йилларда 1,5 млн дан кўпроқ оилага қўшимча ер ажратилди, 700 минг оилага янги томорқа ерлари берилди. Шу билан бирга пахта етиштириш плани 700 минг тоннага камайтирилди². Бу пахта яқка-хокимлигини бартараф этиш йўлидаги дастлабки, аммо ўта муҳим амалий қадам эди.

¹ Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами. - Т., 2013. -238-б; Ўзбекистон ҳудудларининг йиллик статистик тўплами. - Т., 2014. -92-93-б.; Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

² Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. - Т.: «Ўзбекистон», 2011. -12-13-б.

Республикамиз мустақилликка эришган дастлабки йиллардан бошлаб аграр ислохотларни амалга ошириш жараёнида қишлоқ хўжалиги экинлари структурасини қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштиришга йўналтирилган стратегия амалга оширилди. Шу жумладан, мамлакатимизда дон мустақиллигини қўлга киритишга қаратилган дастурнинг амалга оширилиши катта ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий аҳамият касб этди. Бунинг натижасида мустақиллик йилларида картошка етиштириш 2015 йилда 1991 йилга нисбатан 705,0%га, мевалар 528,6%га, узум 323,8%га, сабзавот маҳсулотлари 298,5%га, полиз экинлари 199,8%га, дон маҳсулотлари етиштириш эса 4 баробарга яқин кўпайди (2-жадвал).

Чорвачилик соҳасида ҳам таркибий ўзгаришлар содир бўлмоқда. Йирик шохли қорамоллар сони 1995 йилда 5,2 млн бош бўлган бўлса, 2005 йилда уларнинг сони 6,5 млн бошга, 2015 йилда эса 11635 минг бошга етди. Қўй ва эчкилар сони 1995 йилда 9,3 миллион бошни ташкил этган. Уларнинг сони 2005 йилда 11,3 млн бошга, 2015 йилда эса 18906 минг бошга етди (3-жадвал).

2005-2015 йилларда қорамоллар сони 77,06%га, шу жумладан, сигирлар сони 42,5%га, қўй-эчкилар сони 57,7% га, паррандалар сони эса 2,9 баробардан зиёдга кўпайди.

Қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг кескин ошиши туфайли уларнинг аҳоли жон бошига тўғри келадиган миқдори ҳам ўсиб борди. Аҳоли жон бошига мева-сабзавот, полиз, картошка

4-жадвал. Ўзбекистон Республикасида асосий истеъмол маҳсулотларининг истеъмол қилиниши (аҳоли жон бошига, кг ҳисобида)¹

	1990 й.	2000 й.	2010 й.	2014 й.	2015 й.	2015 йилда 1990 йилга нисбатан % да
Нон ва нон маҳсулотлари	170	167	160	173	170	100
Гўшт ва гўшт маҳсулотлари	31	34	38	42	42,5	138,7
Сут маҳсулотлари	183	162	239	248	266,4	145,6
Тухум (дона)	97	47	138	215	230,4	2,38 м
Сабзавот-полииз маҳсулотлари	107	128	238	281	285	2,66 м
Картошка	29	36	45	55	57	196,6
Ўсимлик ёғи ва бошқа ёғлар	12	12	13	22	22	183,3
Шакар	12	16	17	28	28	2,35м
Мева, узум	23	42	83	142	145	6,3м

ва узум етиштиришнинг ўсиб бориши аҳолининг қишлоқ хўжалик озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланиш даражасининг йилдан-йилга ўсиб бораётганлигини кўрсатади (4-жадвал).

Таҳлил даврида, яъни 2015 йилда 1990 йилга нисбатан аҳоли жон бошига сабзавот-полииз маҳсулотлари истеъмоли 2,66 баробарга, картошка 196,6 фоизга, мева ва узум 2,33 баробарга, ўсган. Шу даврда бир кишига тўғри келадиган меъёрга нисбатан узум маҳсулотларини аҳоли жон бошига ҳисоблаганда ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши 3,1 баробардан ортиқ бўлган. Бошқа маҳсулотлар ҳам меъёрдан ортиқ миқдорда ишлаб чиқарилган. Бу эса мамлакатимизда мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалигида олиб борилган ислохотлар ва таркибий ўзгаришлар натижасида қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш самарадорлиги ошганлигидан, шу тўғрисида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми ва ҳосилдорликнинг ошганлиги ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигининг барқарор таъминланганлигидан далолат беради. Шу боисдан, 2015 йилда мамлакатимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО)га аъзо давлатларнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришгани учун бериладиган мукофотида сазовор бўлган

¹ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

14 та давлатдан бири сифатида эътироф этилди².

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш қатор омиллар мажмуаси билан аниқланади, булар ичида тупроқ унмдорлигини ошириш ва экинлар структурасини яхшилаш ҳозирги куннинг энг долзарб масалаларидан бирига айланган. Бу борадаги стратегик вазифалардан бири пахта майдонларини босқичма-босқич қисқартириб бориш эвазига унинг ўрнида озиқ-овқат экинлари майдонларини кенгайтириб боришдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йилнинг 29 декабрида қабул қилинган «2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2460-сонли қарорига мувофиқ, 2016 йил ҳосилидан бошлаб пахта майдонлари 5 йил давомида 170,5 минг гектарга, пахта хом ашёси етиштириш миқдори эса 350 минг тоннага камайиб боради. Шунингдек, ғалла экин майдонларини 2017 йил ҳосилидан бошлаб 50 минг гектарга қисқартириш, шу билан бирга ҳосилдорликни ошириш ҳисобига ғалла

² Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. // Мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъруза. // «Халқ сузи» газетаси, 2016 йил 16 январь.

етиштириш миқдорларини сақлаб қолиш стратегияси белгилаб берилган.

Мамлакатимизда 2016-2020 йиллар давомида жами пахта ва ғалла ҳисобига камайтириладиган 220,5 минг гектар экин майдонларининг 36 минг гектарида (16,3%) картошка, 91 минг гектарида (41,2%) сабзавотлар, 18 минг гектарида (8,1%) интенсив боғлар, 50,3 минг гектарида (22,8%) озуқа экинлари, 14 минг гектарида (6,3%) мойли экинлар ва 11,2 минг гектарида (5%) бошқа озиқ-овқат экинлари жойлаштирилади. 2016-2020 йиллар мобайнида пахта экиладиган майдонлар 2015 йилдаги 1285,5 минг гектардан, 2020 йилга бориб 1115 минг гектарга камайгани ҳолда ҳосилдорлик гектарига 26,1 центнердан 26,9 центнерга ортади. Бошоқли ғалла экинлари 2015 йилдаги 1329,5 минг гектардан 2020 йилга келиб 1279 минг гектарга камайдиган, ҳосилдорлик эса гектарига 54,9 центнердан 66,4 центнерга, яъни 121 фоизга ортади¹.

Экин майдонларининг оптималлаштирилиши ва замонавий агротехнологияларнинг жорий этилиши натижасида 2020 йилда бошоқли дон етиштиришни 16,4 фоизга ошириб, унинг ҳажмини 8 миллион 500 минг тоннага етказиш, картошка етиштиришни 35 фоизга, сабзавотни 30 фоизга, мева ва узумни 21,5 фоиз, гўшт етиштиришни 26,2 фоизга, сутни 47,3 фоиз, тухумни 74,5 фоизга кўпайтириш, балиқ етиштиришни 2,5 мартага ошириш кўзда тутилмоқда².

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йилнинг 29 декабрида қабул қилинган «2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2460-сонли қарори.

² Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. / Мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъруза. // «Халқ сўзи» газетаси, 2016 йил 16 январь.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқида «Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалалари, ҳеч шубҳасиз, биз учун энг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолади. Энг аввало, агросаноат комплекси ва унинг локомотиви, яъни ҳаракатга келтирувчи кучи бўлган кўп тармоқли фермер хўжаликларини изчил ривожлантиришга катта эътибор қаратилади»³, деб таъкидлаган.

Таъкидлаш керакки, ҳали-ҳамон жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётган ҳамда аҳоли сонининг ўсиши билан озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаб ошиб бораётган ҳозирги шароитда мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг оптималлаштирилиши ва соҳада маҳсулотлар таркибининг диверсификациялашиб бориши мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2017 йилда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, компаниялар ва бошқа идоралар, шунингдек, барча бўғиндаги ҳокимликларнинг қуйидаги стратегик муҳим вазифаларни амалга оширишлари шартлигини белгилаб берди:

биринчи – экин майдонлари ва экинлар турини оптималлаштириш, илғор агротехникаларни жорий этиш ва ҳосилдорликни ошириш, мева-сабзавот ва узум етиштиришни кўпайтириш;

иккинчи – фермер хўжаликларининг молиявий-иқтисодий ҳолатини мустаҳкамлаш;

учинчи – ўтган йилларда Молия вазирлиги ва унинг ҳузуридаги Жамғарма раҳбарияти томонидан шакллантирилган, агротехника тадбирларини молиялаштиришда ижобий

³ Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. / Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. // «Халқ сўзи» газетаси, 2016 йил 15 декабрь.

натижа бермаётган ва мутлақо чала тизимга барҳам бериш;

тўртинчи – охириги йилларда агросаноат комплексида ташкил этилган янги бошқарув органлари, яъни «Ўзпахтасаноатэкспорт» компанияси ва унинг таркибига кирувчи «Ўзпахтасаноат», «Ўзпахтаэкспорт» ва «Ўзпахтаёф» акциядорлик жамиятлари фаолиятидаги бир қатор муаммоларни бартараф этиш юзасидан қатъий чоралар кўриш; ушбу тармоқларни модернизация қилиш ва инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, жумладан, пахта хом ашёсини қайта ишлаш бўйича ишларни яхшилаш¹.

Хўжалик юритишнинг илмий асосланган тизимини ишлаб чиқаришга татбиқ этиш амалий жиҳатдан қишлоқ хўжалигида ер майдонларидан унумли фойдаланишнинг муҳим йўналиши ҳисобланади. Бунинг натижасида экин майдонларини кенгайтирмасдан, улардан интенсив ва унумли фойдаланишга эришилади. Шу билан бирга, ер турларини оқилона, тўғри жойлаштириш натижасида тупроқ-иқлим шароитлари, жойнинг рельефи, ишлаб чиқаришниен иқтисодий рентабелли ташкил этиш талаблари ва бошқаларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ.

Иқтисодий жиҳатдан асосланган ва ишлаб чиқариш нуқтаи назаридан ердан ўта самарали фойдаланишга эришилади. Бу эса, ўз навбатида қишлоқ хўжалигида ер майдонларининг кўпайиши билан баробардир. Масалан, кўп йиллик мевали дарахтзорларни суғориладиган текислик майдонларидан тоғ олди ва тоғли минтақаларга кўчириш ҳисобига пахта мажмуасидаги ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари учун катта майдонлардаги суғориладиган ерларни бўшатиш мумкин бўлади; пахта мажмуасидаги экинларни

қумли, тошли ва бошқа яроқсиз ерлардан анчагина унумдор ерларга кўчириш деҳқончилик маҳсулотлари миқдорларини ошириш имконини беради.

Суғориладиган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг энг муҳим йўли пахта, шоли, сабзавот ва бошқа мажмуалардаги илмий асосланган алмашлаб экишлар асосида экин майдонларининг таркибини такомиллаштиришдан иборатдир. Бу эса, ўз навбатида, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини оширади, чорвачиликни ривожлантириш учун мустақкам ем-хашак базасини яратади, тупроқ унумдорлигини оширади.

Бизнинг фикримизча, қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг энг муҳим йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- аграр соҳада иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, мулкый муносабатлар ва хўжалик юритиш шаклларини такомиллаштириш;

- қишлоқ хўжалигида ердан фойдаланиш механизмининг такомиллаштириш ва самарали фойдаланишни рағбатлантириш;

- замонавий агротехнологияларни ўрганиш ва амалда жорий этиш билан ўта жиддий шуғулланиш, селекция ишларини янада такомиллаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг маҳсулдорлигини ошириш бўйича аниқ чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш;

- қишлоқ хўжалиги хом ашёсини қайта ишлаш тармоғини ривожлантириш, аграр соҳанинг экспорт салоҳиятини ошириш;

- қишлоқ жойларда сервис хизматлари кўрсатиш тизимини такомиллаштириш;

- қишлоқ хўжалигида молия-кредит, солиқ ва суғурта тизимини такомиллаштириш;

- аграр фанини ривожлантириш ва илм-фан ютуқлари, илғор хорижий тажрибаларни ишлаб чиқаришга жорий этиш;

- қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш ва аҳоли даромадларини ошириш.

¹ Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. / Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза. // «Халқ сўзи», 2017 йил 16 январь.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йилнинг 29 декабрида қабул қилинган «2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2460-сонли қарори.

2. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. – Т.: «Ўзбекистон», 2011.

3. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. / Мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъруза. // «Халқ сўзи» газетаси, 2016 йил 16 январь.

4. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. / Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. // «Халқ сўзи» газетаси, 2016 йил 15 декабрь.

5. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. / Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза. // «Халқ сўзи» газетаси, 2017 йил 16 январь.

6. Абулқосимов Ҳ.П. Давлатнинг иқтисодий хавфсизлиги. Ўқув қўлланма. – Т.: «Akademiya», 2012.

7. Жонихонов М., Раҳмонов С. Озиқ-овқат дастури: мамлакат тараққиёти, иқтисодиёт барқарорлиги ва фаровонликнинг мустақкам асоси. // «Халқ сўзи» газетаси, 2014 йил 7 июнь.

8. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. – Т.: «Ўзбекистон», 2011.

9. Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами. – Т., 2015.

10. Ўзбекистон ҳудудларининг йиллик статистик тўплами. – Т., 2014.

11. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари.